

## ҚАРОР ВА ИЖРО



2021 йил Инвестиция Дастури асосида А380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 698-765 км ва 796-812 км қисмлари қайта қуриш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Унда, Пудратчилар — Тахиатош йўл қурилиш таъмирлаш ва Қорақалпоғистон йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхоналари хисобланиб, лойиҳаси эса, "Йўл лойиҳа бюроси" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур лойиҳага мувофиқ, автомобиль йўли 1-тоифали бўлиб, 4 та қатнов қисмидан иборат бўлиши кўзда тутилган.



Автомобиль йўлининг йўл тўшамаси қуйидагилардан ташкил топган:

- қопламанинг устки қатлами 6 см. қалинликдаги майдонони зич асфальтобетон;
- қопламанинг остки қатлами 9 см. қалинликдаги йирик донали ғовак асфальтобетон;
- қопламанинг остки қатлами тоший бетон 16 см қалинликда;
- асоснинг устки қатлами 22 см қалинликда чақиқтош-қум аралашмаси;
- асоснинг остки қатлами 23 см қалинликдаги чақиқтош-қум аралашмаси.

Шунингдек, ушбу автомобиль йўлида туташмалар, йўл белгилари, пиёдалар йўлаклари хамда автобус бекатлари қуриш ҳам назарда тутилган.

Ушбу объектни қайта қуриш ишлари халқаро стандартлар асосида амалга оширилмоқда.

Объектда жорий йилда жами 60000.0 млн.сўмлик реконструкция қилиш ишлари бажарилиши белгиланган. Жорий йилнинг ўтган январь-апрель ойларида объектда 17649.4 млн.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.



Ҳозирги кунда ушбу объектда майда донали асфальтобетон ётқизиш, йўлнинг иккӣ четига 1-гурух темир тўсиқлар ўрнатиш, йўл ёқасини мустахкамлаш, йўл чизикларини чизиш хамда огоҳлантирувчи устунлар ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

Объектнинг фойдаланишга топширилиши натижасида ушбу автомобиль йўли тоифаси 1-тоифа техник талабларига тўлиқ ўтказилади.

Йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти 7000 дан 14000 дона/кунига ошишига эришилади.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Матбуот хизмати